# ЁШЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

**Новдаларга баҳор қўнди. Халқимизнинг қадим ва бардавом байрами Наврўз яқин. Энг қувончлиси эса табиатнинг ушбу инъомларига жавобан биз ҳар гал ҳам жим қараб турмадик. Баҳор атрофни ҳусну таровати билан безаган бўлса, инсон меҳнату шижоати, бунёдкорлиги билан унга кўрк берди. Осмонўпар бинолар қурди, текис ва равон йўллар, кўприклар барпо этди. Уларнинг ҳаммасида шарқона гўзаллик ва ғарбона салобатни уйғунлаштира билди. Бетакрор Ватанга эга бўлдик.**

Дарвоқе, биз Наврўзни бу йил ҳам қуруқ кутиб олаётганимиз йўқ. Пойтахтимиз маркази яна бир кошона билан кўркамлашди. Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Шариф Рамазонов, Дони Зокиров каби санъатимиз дарғаларини етиштириб чиқарган Тошкент Давлат консерваторияси янги бинога эга бўлди. У юртимизга нафақат кўркамлик, балки маънавий ҳаёт пойдеворини мустаҳкамлашда кўмак ҳам беради. Чунки, машҳур меъмор Л. В.Спивак лойиҳаси асосида қурилган бу бинода мусиқа санъатимизнинг янги, ёрқин намояндалари вояга етиши учун ҳамма шароитлар мавжуд бўлиб, у замонавий талабларга мос ва ўз кўлами билан МДҲда ягона ҳисобланади.

— Мамлакатимизда баркамол авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ривож топаяпти. Юртбошимиз ёшларга оталарча ғамхўрлик қилаяптилар, — дейди Тошкент Давлат консерваторияси ректори ўринбосари Дилора Муродова. — Консерваториянинг янги биноси ҳам бевосита Президентимиз ташаббуси билан қурилди. Шунга асосан бинонинг фойеси қасрдек салобатли бўлди. Бу ёшларга кўтаринки руҳ бағишлайди. Ундан ташқари, залларнинг акустик хусусиятларига мос бинони безашда ҳам Юртбошимиз маслаҳатларига таяндик. Безашга алоҳида эътибор бердикки, мусиқа кошонаси нафақат бераётган илми, балки кўриниши билан ҳам ёшларнинг эстетик дидини тарбиялаши лозим.

Эски бинода ўқиб ҳам санъаткорларимиз ўзбек миллий санъатини Париж, Берлин, Рим саҳналарида намойиш этиб, довруғ қозонган эди-ку, бир дунё сарф-харажат билан янги бино қуришдан не ҳожат, деб ўйлашингиз мумкин. Аммо замон ўзгарди. Одамлар онги, дунёқараши бир қадар ўсди. Кеча кўнгилни тўлдирган нарсалар бугун талабимизга жавоб бермай қолди. Шунингдек, санъатга ихлосманд бўлган истеъдодлар сони ҳам ортди ва консерваториянинг эски биноси торлик қила бошлади. Бир мунча эскирди ҳам. Қолаверса, у Тошкент зилзиласи пайтида қаттиқ шикастланган эди. Аҳвол билан танишган комиссия уни ярим авария ҳолатида деб топиб, фойе, спорт зали, кутубхонаси бузиб ташланган эди.

Аввал овоз режиссёрлиги бўйича таълим олаётган талабалар амалий машғулотларни радио ва телевидениеда ўташарди. Янги бинода эса овоз ёзиш ўқув студияси ва профессионал студия мавжуд. Миллий чолғулар ясайдиган ва таъмир қиладиган устахона ҳам бор. Илгари миллий чолғулар музейига жой бўлмаган бинонинг яна бир афзаллиги унда тўртта концерт зали бўлиб, 500 тингловчига мўлжалланган катта зал, 250 тингловчи сиғадиган кичик зал, 250 ўринли орган зали ва 150 ўринли камер заллари талабалар ихтиёрига топширилади. Уларда бемалол мусиқа фестиваллари, турли хил санъат тадбирлари ўтказиш мумкин.

Бизда қадимдан мумтоз мусиқа санъати Самарқанд, Бухоро, Фарғона — Тошкент, Хоразм йўллари тарзида ривож топиб келган. Бундай бой мусиқа меросига эга халққа муҳташам мусиқа кошонаси жуда муносиб. Хўш, бу санъат кошонасида таълим олажак бугунги ёшларимиз ҳам унга муносибми?

— Талабаларимиздан бир нечтаси "Ниҳол" ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлар. Улар халқаро мусиқа фестивалларида иштирок этишяпти ва миллий санъатимиз довруғини дунёга таратяптилар, — дейди Дилора Муродова.

Ҳамма соҳаларда бўлгани каби кўп йиллар ҳукм сурган ғайримиллий сиёсат консерватория фаолиятига ҳам таъсир ўтказмай қўймади. Таълимда европача йўналишга зўр берилди, миллий санъат ривожи чеклаб қўйилди. Талабалар, асосан Европа мамлакатлари мумтоз мусиқа санъатини ўзлаштирдилар. Албатта, халқимизни жаҳон мусиқаси дурдоналари билан таништириш керак. Лекин шу билан бирга миллий маданиятимизни жаҳон миқёсига олиб чиқиш ҳам санъаткорларимизнинг бурчи.

Мана, мустақиллик шарофати билан ёш санъаткорларимизнинг ўз бурчларини муваффақиятли ўташлари учун яна бир имконият яратилди. Юртимизга ва юрагимизга баҳор ташриф буюрган бир пайтда, ҳатто меъморчилик ечимида бевосита мусиқа санъатининг ўз талаб-эҳтиёжлари, акустика қонуниятлари тўла ҳисобга олинган, улар шу санъат соҳасига ихтисослаштирилган, баланд, баҳаво, бағри нурга, ёруғликка тўла Тошкент Давлат консерваторияси янги биноси халқимизнинг зукко, иқтидорли, истеъдодли фарзандларига ўз эшикларини тантанали равишда очади. Мўъжизавий мусиқа кошонамиз ва унинг бағридан таралаётган сеҳрли мусиқалар билан биз Наврўзга — янги кунимизга ярашиб, Наврўз бизга ярашиб, куй ва баҳор таровати юракларни яшнатиб, осмон қадар юксаламиз.

**Ойдин ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**

## МУСТАҚИЛЛИК КАШФ ЭТГАН ЮЛДУЗ



**Карина ва Марина Бурмакиналарни ана шундай иқтидорлиларнинг вакили сифатида эътироф этиш мумкин. Улар айни пайтда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси фортепиано факультетининг III курсида таҳсил олмоқда. Эгизак опа-сингилларнинг мусиқага қизиқишларида отаси Владимир Бурмакиннинг, онаси Нели Валиулинанинг ҳиссаси каттадир. Ота-оналаридаги санъатга, халқ куйлари, қўшиқларига ҳурмат опа-сингиллар юрагини забт этган бўлса, ажаб эмас. Дастлаб, Успенский номидаги мусиқа мактабини аъло даражада битирган опа-сингилларнинг орзулари бир олам. Улар биргаликда дуэт ижро этишмоқчи. Фортепианода тўртта бармоқ билан мусиқа асарини ижро этиш кўпчиликни қувонтиришига шубҳа йўқ.**

**— Барча тенгдошларимиз каби айни дамда бизнинг ҳам кайфиятимиз аъло, — дейди опа-сингил Бурмакиналар. — Бунга ўрик гулларининг ифори ва қуёшнинг ёқимли тафти билан бир қаторда жонажон ўқув юртимизнинг янги бинога кўчаётгани сабабдир. Кўплаб мусиқа танловларида юртимиз байроғини адл кўтаришни жуда-жуда хоҳлаймиз. Бу йўлда эса ҳар қандай машаққатни қийналмасдан босиб ўта оламиз.**

**Яқин келажакда мусиқа осмонида Карина ва Марина Бурмакиналарнинг юлдузлари порлашига шубҳа йўқ.**

# БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

Гўзаллик ва уйғониш фасли — баҳор доимо таъриф-тавсиф этилган, қўшиқларда куйланган. Зеро,



бу фасл барча тирик мавжудотга покланиш ва завқланиш туйғусини бахш этади.

Самарқанд Давлат университети педагогика факультетининг мутахассислик бўлимларида таҳсил олаётган талаба қизлар ўртасида бўлиб ўтган "Балли, қизлар!" кўрик-танловида ҳам инсон ва табиат гўзаллиги ўзаро ҳамоҳанг эканлиги намоён бўлди. Қизлар чеҳрасида самимий табассум пайдо бўлганида борлиқ узра гўзаллик таралгандай туюлди.

Кўрик-танловда бир-биридан чиройли, ҳаёли, иболи қизлардан ташкил топган педагогика-психология бўлимининг "Нафис", бошланғич таълим ва тарбия бўлимининг "Севинч", дефектология бўлимининг "Ниҳол", касбий таълим бўлимининг "Юлдуз" жамоалари миллий қадриятларимизни улуғловчи танишув, миллий истиқлол ғояси, қариси бор уйнинг париси бор, дастурхон безаш, эркин мавзу каби шартлар бўйича ўз маҳорат ва истеъдодларини синаб кўрдилар. Билимдонлик, шарқона қадриятларни, удумларни ўз хатти-ҳаракатларида акс эттириш каби қатор шартларни ҳозиржавоблик билан бажариш бобида маҳорат кўрсатган "Нафис" гуруҳи қизлари Озода Ёдгорова, Шаҳноза Мардиева, Мўътабар Абдуҳакимова, Нилуфар Муртазаева, Нафиса Исмоиловаларнинг чиқишлари барча йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. Тажрибали ҳакамлар ҳайъатига ҳам осон бўлмади. Улар "Нафис" гуруҳи қизларини мутлақ ғолиб деб эълон қилдилар.



**Содиқ НАМОЗОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# БИЗГА АТАЛГАН КЎРСАТУВЛАР

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон телерадиокомпанияси "Ёшлар" телеканали орқали намойиш этилаётган "Ёшлар овози" кўрсатуви юртимиздаги барча хонадонларга кириб борди. Бугунги кун ёшларининг дунёқарашлари, интилишлари, муаммо ва камчиликларини таҳлил қилувчи мазкур кўрсатув айни пайтда ҳафтада беш марта ёшлар билан ҳамсуҳбат бўляпти.Унда "Конституция ва биз", "Огоҳликка даъват", "Камолот сари", "Истиқлол умидлари", "Тарихдан сабоқлар", "Икки фикр", "Мулоҳаза", "Китоб жавони", "Булоқ кўз очди...", "Муҳаббат мактублари", "Спорт" сингари саҳифалар мавжуд.

Кўрсатув саҳифаларини кузатар эканмиз, бугунги кун билан боғлиқ долзарб масалалар, лавҳа ва репортажлар, суҳбатлар дастурдан мунтазам жой олаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Биргина "Камолот сари" саҳифаси орқали "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ёшлар орасига кириб бораётганлигини тасвирловчи, Ҳаракатнинг вилоят Кенгашлари фаолияти лавҳаларда мунтазам ёритилмоқда.

Кўрсатувнинг етишиб келаётган ёш авлоднинг ижодиёти билан таништиришга мўлжалланган "Булоқ кўз очди..." саҳифаси орқали янги-янги истеъдод соҳиблари кашф этилмоқда. Ёш мусиқачи Камола Тўраева, қорақалпоғистонлик ёш рассом Анифа Ортиқова, бўлажак шоирлар Қувондиқ Сиддиқов, Зокир Худойшукуров, Дилноза Бегим, Зилола Хўжаниёзова сингари тенгдошларимиз фаолияти ҳақидаги суҳбатлар, фикр ва мулоҳазалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиблари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, хорижда таълим олиб қайтган ёшлар фаолияти, атоқли стипендиялар соҳиблари тўғрисидаги лавҳалар ҳам ёшларни бефарқ қолдирмаяпти.

Китоблар энг олис манзиллардан инсониятга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чироққа ўхшайди. Инсон маънавиятини бойитадиган, дунёқарашини кенгайтирадиган қудратли манба, шубҳасиз, китоблардир. "Ёшлар овози" кўрсатувининг "Китоб жавони" саҳифаси орқали Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, "Ёзувчи" нашриёти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, "Чўлпон" ва Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриётларининг ўқувчилар учун тақдим этаётган асарлари тўғрисида сўз юритилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, "Ёшлар овози" кўрсатуви юртимиз ёшларининг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари, камчиликлари, муаммоларини таҳлил этиб, томошабинларга етказиб, том маънодаги ёшлар овозини экранга олиб чиқишга интилмоқда.

Дастур ижодкорларининг аксарияти талаба-ёшлар. Уларга тажрибали ижодкорлар йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабалари учун "Ёшлар овози" кўрсатуви факультетда олган назарий билимларини амалиётда кенг қўллаш, кўникма ва тажриба орттириш учун мактаб вазифасини ўтамоқда. Деярли ҳар куни эфирга узатилаётган "Ёшлар овози" кўрсатуви баркамол авлодни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш йўлида ёшлар ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бораётир.

**Амрулло КАРИМ**


# «КАМОЛОТ»

## ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

***Халқимизни Наврўз айёми ва Термизнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан чин дилдан қутлайди.***

***Баҳор байрамлари юртимизга қут-барака, тўкин-сочинлик, бахт-иқбол олиб келсин. Мустақил юртга тўй, байрамлар ярашади. Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги ишларимизни ёшлар ўртасида авж олдиравeрамиз.***

*ҲАР КУНИНГИЗ БАЙРАМ БЎЛАВЕРСИН, АЗИЗЛАР!*



# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
## ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*Миллий байрамимиз — Наврўзи олам билан барчани қутлаймиз. Мустақиллик йилларида миллий урф-одатларимизнинг қайта тикланиши натижасида келажак авлод онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш имконияти туғилганидан мамнунмиз ва бу йўлда доимо тинмай меҳнат қиламиз.*

*Миллий байрамларимиз, қадриятларимиз тикланаверсин.*

*БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!*



# «ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»
## ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**юртдошларимизни Наврўзи олам билан муборакбод этади.**

**Наврўз барчамизнинг хонадонимизга қут-барака, фаровонлик олиб кирсин. Яхши ният билан ерга уруғ қадаётган боподеҳқонларимизнинг ҳосилига барака тилаймиз.**

**Бу йилги кўклам барчамизга омад келтирсин!**




*RESPUBLIKAMIZ TUMANLARI*

# БУНЁДКОРЛИК ИШҚИ БИЛАН ЁНИБ ЯШАЁТГАНЛАР

**— Мустақиллик — энг аввало ёшларимизнинг қобилиятларини юзага чиқаришга имконият яратди. Эндиликда ёш йигит-қизларимиз дунёнинг энг замонавий таълим муассасаларида, хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқишмоқда. Бундан ўн йиллар аввал буни ҳатто тасаввурга ҳам сиғдираолмасдик. Не бахтки, истиқлол туфайли ёшларимизнинг ҳар бири ҳукуматимиз эътиборида. Биз ҳам туманимизда истиқомат қилаётган ёшларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатяпмиз. Ёшлар билан ишлайдиган ташкилотларимизнинг иши тобора самарали бўлиб бормоқда. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши тумани Кенгаши атрофида 37 минг 995 нафар ёшнинг боши қовушган. Замонавий типда қурилган Қовчин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ва Бешкент академик лицейи ҳам юзлаб иқтидорли ўғил-қизларни ўз бағрига олган. Улар ўртасида туман ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан ҳамкорликда “Қувноқлар ва зукколар”, “Терроризм — XXI аср вабоси”, “Сиз қонунни биласизми?” сингари тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Шунингдек, бир неча спорт турлари бўйича ёшлар ўртасида мунтазам мусобақалар уюштириляпти. Туманимиздаги барча ташкилот, корхона, хўжаликларда “Камолот”нинг 96 та бошланғич ташкилотлари ёшлар муаммолари ечими билан шуғулланишмоқда.**



Қарши тумани — Ўзбекистоннинг иқтисоди бақувват, сертармоқ туманлардан бири. Экин майдонлари Қўнғиртоғ этакларидан бошланиб, Туркманистон чўлларигача чўзилган. Туман Қарши шаҳрининг атрофини ўраб туради. Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик етакчи тармоққа айланган. Қарши шаҳрига туташ хўжаликларда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Қарши бош канали туманнинг қон томири, унга Амударё суви қуйилади. Шунингдек, Косон, Касби, Усмон Юсупов, Баҳористон, Нишон, Муборак, Ғузор туманлари шу каналдан сув ичади.

Туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Сайфулла Хайруллаев Қаршида мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришлар ҳақида қуйидагича ҳикоя қилди:

— Мустақиллик тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатларимизни тўла юзага чиқарди. Хусусий мулк муаммоси ечилди. Истиқлол одамларни тадбиркорликка ўргатди. Қарши шаҳрига ёндош туманда минг йиллик анъаналардан келиб чиққан ҳолда меъморий бинолар қад ростлади. Ишбилармон, тадбиркор, ҳунармандлар меҳнати ўлароқ туман марказида кўплаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари, маданий ва маъмурий бинолар бунёд этилдики, улар Қаршининг бугунги қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартирди.

Ўзбекистон дунёга юз тутиб, хорижликлар билан иқтисодий, маданий алоқалар боғлангач, янгича руҳда ишлаш хоҳиши қаршиликларни ҳам тинч қўймади. Тўқсон еттинчи йилда ишга туширилган, республика миқёсида муҳим аҳамиятта эга “Қарширадиатор” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси мамлакат қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги техникалар — “Магнум” ҳайдов трактори, “Кейс” комбайни, “Мирал” ўт ўриш комбайнлари ва бошқалари учун совутиш радиаторларини етказиб беряпти. Бу ерда яроқсиз, металломга топшириладиган радиаторлар ҳам қайтадан таъмирланмоқда. Тўқсон саккизинчи йилда фаолиятини бошлаган “Завко-ЛТК” Ўзбекистон-Покистон қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган спорт кийим-кечаклари, костюм-шимлар, волейбол, футбол тўплари, мактаб сумкалари ва бошқа чарм маҳсулотларининг харидорлари тобора кўпаймоқда. Бу иншоотлар, албатта, туман иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳар гал Қашқадарёга ташрифлари чоғида Қарши туманида ҳам бўладилар, ғаллакорлар, пахтакорлар билан суҳбат қурадилар. Буғдойнинг “Санзор-8”, “Санзор-4”, “Чиллаки”, “Уманка”, “Крошка” навини муваффақиятли синовдан ўтказган ва ундан олтмиш центнерлаб ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлаган ғаллакорларнинг қўлини сиқиб, қутлайдилар. Кун бўйи дала кезиб, меҳнат қиладиган оддий деҳқонлар, не бахтки, бугун ўзбек пахтаси, ўзбек ғалласининг довруғини дунёга таратяптилар. “Наврўзи олам” фермер хўжалиги раиси Хайри Шариповнинг ғалла ва пахтадан гектарига 50 центнердан хирмон кўтаргандаги шодлигини сўз билан таърифлаш қийин. “Бешкент” кооператив ширкат хўжалиги ижарачиси Холиёр Эсоновнинг пахтадан гектарига 53 центнердан ҳосил олганидаги оилавий хурсандчилигини айтмайсизми?! Собир Раҳимов кооператив ширкат хўжалиги ижарачиси Сафар Ҳайитов ғалладан 55,6 центнер ҳосил кўтарди.

Қарши туманида ўтган йили 36 минг 821 минг тонна ғалла, 46 минг 82 тонна пахта етиштирилди. Ҳосилдорлик туман бўйича 27-30 центнерга тўғри келди. Юсуф Хушвақтов номидаги ширкат хўжалиги ғалладан гектарига 43 центнер, пахтадан эса 36 центнердан хирмон кўтарди. Таъкидлаганимиздек, 50-60 центнерчилик ҳаракати издошлари пайдо бўлди.

Тумандаги пахта тозалаш заводи вилоятнинг улкан саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Ўтган йили бу ерда тайёрланган толага Англия, Швейцария, Франция, Италия саноатчилари талабгор бўлишди. Шартнома асосида хориж корхоналарига юзлаб тонна тола экспорт қилинди. Бу албатта, туман саноати, иқтисодиёти ривожланаётганидан далолатдир.

Туманда маданий-маиший соҳа ҳам изчил ривожланмоқда. “Момогул” ансамблининг санъати дунё оша намоён бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Ансамбль сўнгги икки йил ичида Германия, Бельгия, Туркманистонда ўтказилган кўрик-танловларда қатнашди. “Ҳилола” ансамбли вилоятда ўтказилган фольклор-этнографик ансамблларининг кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Умид Ашуров Шотландиянинг “Гордон”, Жамшид Чориев АҚШнинг “Коларадо” университетларида молия, бизнес бошқаруви тизимларини ўрганишяпти. Бу ёшлар юрт келажагидир.

Мустақиллик йилларида 2956 нафар ўқувчига мўлжалланган 7 та мактаб биноси қуриб, ишга туширилди. Кейинги икки йил ичида бешта қишлоқ врачлик пункти қурилди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ўтган йилда 7259 та янги иш ўринлари яратилди.

Қарши автомобиль йўллар бошқармаси бошлиғи Ниёз Қурбонқуловнинг таъкидлашича, йўлсозлик борасида анча ишлар қилинган. Ўтган йилдан шу даврга қадар “Нукус-Бухоро — Қарши-Ғузор” халқаро автомобиль йўлининг 36 километри таъмирланган, 6 километрли янги йўл қурилган. Катта йўллардаги бекатлар миллий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда манзарали қилиб безалган. Қарши шаҳрига келадиган меҳмонлар туман ҳудудига кириши билан ўзгаришларга кўзи тушади.

— Туманимизда, — дейди ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Азизова, — икки юз нафар хотин-қиз тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Нуқрабод қишлоғи тадбиркори Дилором Раҳмонованинг 30 нафар қиз билан тикаётган Чуст дўпписи ва махсисига талабгорлар жуда кўп. Бешкент шаҳридаги “Абдукарим ота” фермер хўжалиги ва қандолатчилик цехини бошқараётган Шоҳида Турсунова турмуш ўртоғи Раҳмат Намозов билан бирга оққанд, новвот, шоколад, парварда, рачки каби 30 турдаги қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаряпти. Ш. Турсунова 60 нафар қизни иш билан таъминлади. Бундай ёш, аммо уддабурон, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорларимизнинг издошлари кўпайиб бормоқда.

Туман аҳли халқимизнинг назарига тушган ижодкор фарзандлари — Исмоил Тўхтамишев, Ғулом Мирзо, Шомрод Шаропов, Рустам Очилов, Амир Худойбердиев, Баҳром Умаров, Зулхумор Насимовалар билан ҳақли равишда фахрланади.

Биз Қарши туманида бўлганимизда ҳар бир қадамда бир янгилик, бир ўзгаришни сездик. Ёшларнинг бунёдкорлик кайфияти билан яшаётганлигига иқрор бўлдик.

**Файзулла ЭШҚУЛОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# ЭЪТИҚОДЛИЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИБ...

**Фан ва техника ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида университетда махсус пул мукофотлари таъсис этилди. Танловда қатнашган 31 нафар талабанинг инглиз тили, компьютер техникаси, Ўзбекистон тарихи йўналишлари бўйича билимлари синаб кўрилди.**

Шунингдек, университет талаба-ёшлари онгига миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини сингдириш мақсадида “Биз киммиз?” мавзуидаги давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда.

Талаба ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, адабий соҳадаги фаолиятини кенг ва ҳар томонлама тарғиб қилиш учун университет ректорати ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳаммуассислигида “Зиёкор” газетаси ташкил этилди.

Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Билим ва истеъдодимиз сенга —Ватан” шиори остида факультетлараро “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви ўтказилди. Ушбу беллашувларда 10 та факультет ҳамда 2 та бизнес мактаблари талабалари қатнашишди.

Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш, ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш асосий вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда “Тезкор назорат” гуруҳи тузилди. “Тезкор назорат” гуруҳи аъзолари, асосан вояга етмаган ёшлар билан ишлаш бошқармасининг рўйхатида турувчи, тарбияси оғир бўлган ёшларни ўз назоратига олган ёшлардир. Улар турли спорт секцияларига, конкурсларга жалб қилиш, ҳунармандларга шогирдликка бериш каби ишларни бажармоқдалар.

Университет талабалари “Умид”, СОРОС, АКСЕЛС, ДААД жамғармалари ва Гёте институтининг грантларини қўлга киритиб, хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ўқимоқдалар. Шу кунга қадар 31 нафар талабамиз АҚШ, Франция, Англия, Германиянинг етакчи олий ўқув юртларида билим олдилар.

“Умид” жамғармасининг 2001 йилдаги совриндорлари деб топилган Б.Тошпўлатов Буюк Британияда, Муроджон Шерматов Канадада, Гули Боситова АҚШнинг Вашингтон университетида таҳсил олмоқда. Яна бир талабамиз Н.Мирзаева эса АҚШнинг Шимолий Дакота интернационал университетининг магистратурасида ўқимоқда.

**Гулжаҳон ҚОСИМОВА,**
**Фарғона Давлат университети проректори**

# ЁНИБ, ЁНДИРИБ КУЙЛАЙДИ У...

## *Хонанда Салимжон САЙИМОВ ижодига бир назар*



Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли театр ҳар галгидек мухлислар билан гавжум. Томошабинларнинг самимий олқиши Салимжонни яна ва яна саҳнага чорлайди. У торини бағрига босиб, ҳаяжон билан умид кўзларини тикиб турган мухлислари истиқболига пешвоз чиқаверади. Ва мухлислар кутмаган янги “Гулим”, “Эсламай иложим йўқ”, “Момо ҳаво”, “Билак узук билагида”, “Ўхшамас”, “Гўзал ёрим”, “Ватан” қўшиқларини ички бир туғён билан маромига етказиб ижро этадики, залдагиларнинг санъаткорга бўлган меҳру муҳаббатлари юз-кўзларида порлайди.

Мусиқа ва шеъриятни севадиган оилада таваллуд топган Салимжон болалигиданоқ ашула айтиш ва шеърлар мутолаасига ич-ичидан меҳр қўйди. Ота-онаси ундаги ҳаваснинг жиддий машғулотга айланаётганлигини пайқашди. Унинг раъйига қарши чиқишмади. Салимжон 1977 — 85 йилларда бир пайтнинг ўзида Қарши шаҳридаги ўрта мактабда ўқиш билан бирга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусиқа даргоҳининг машғулотларига ҳам қатнашди. 18 ёшида Наманган шаҳрида ўтказилган ёш ижрочилар кўрик-танловида совриндор бўлди ва қўшиқчи сифатида Республикага танилди.

Мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмасдан Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди. Ва ижрочилик маҳоратини оширди. Ўқишни тугатиб, Қарши санъат билим юртига келди. Сабаби, унинг ёшлар билан ишлашга иштиёқи ниҳоятда баланд эди. Билим юртининг обрўси янада ошди. Қаршидан янгидан-янги истеъдодлар етишиб чиқа бошлади. Маҳаллий раҳбарлар ҳам Салимжон Сайимовнинг санъатини қадрлаб, 1997 йилда билим юртига раҳбар этиб тайинлашди. У санъатдан бир зум ҳам узоқлашгани йўқ. Айни паллада янги-янги қўшиқлари устида устози, Ўзбекистон телерадиокомпанияси режиссёри Баҳром Юсупов билан ишлаяпти. Хонандага 1996 йилда омад кулиб боқди, у “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқлар танловида “Ўзбекистон” ашуласи билан совриндор бўлди. Йиллар хонанданинг иродасини, маҳоратини toблади. Натижада 2000 йилда Бельгияда ўтказилган Халқаро фестивалда иштирок этган С. Сайимов ўз қўшиқлари билан хорижликларни ҳам олқишига сазовор бўлди.

У ҳозирда севимли шоирларимиз Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Исмоил Тўхтамишев шеърлари асосида янги қўшиқлар устида ишлаяпти.

Санъаткорнинг орзулари, режалари кўп... Салимжон олдидаги ана шу улкан вазифаларни ҳар лаҳзада юракдан ҳис этиб, ёниб, ёндириб яшамоқда.

**Файзулла ДАВРОН,**
**«Turkiston» мухбири**


# БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*Халқимизни ва Ўзбекистон меҳмонларини янги кун — Наврўз билан табриклайди. Аввало юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Ёшларимиз билимли, янада шижоатли бўлиб, юртимиз тараққиётини дунё майдонига олиб чиқсин.*

*ЯНГИ КУНИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!*





**Барча ватандошларимизни янгиланиш, покланиш, тинчлик айёми — Наврўзи олам билан қутлаймиз. Барча хонадонларга бахту саодат, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва баҳорий кайфият тилаймиз.**

**Ўзбекистонимиз байроғи янада баландроқ ҳилпирайверсин! Ёшларимиз илм-фаннинг энг баланд чўққиларини забт этаверсинлар!**

*ҚАЛБИМИЗНИ ВАТАН ИШҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!*



# АНДИЖОН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

# «УРГАНЧ ЭКСКОВАТОР»

## ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

***Бутун ўзбек халқини баҳор, меҳр-муҳаббат, янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан чин дилдан қутлайди. Эзгу ният билан Ватанимиз фаровонлиги ва келажаги учун қилаётган ишларимизда омад ёр бўлсин.***

ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК, ФАРОВОНЛИК ОИЛАМИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!



# «УЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

**Барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан табриклайди. Байрам юртимизга барака, ризқ-рўз, фаровонлик, бахту саодат, тўкин-сочинлик олиб келсин! Ўзбекистон дунё тургунча тураверсин!**

***Шоир айтганидек:***

Яшил тантанадан яйраб кетар кўз,
Юрагим шеър ёз дер, шеър ёз-дер, ёз дер.
Юртим қучоғингга кирмокда Наврўз,
Баҳоринг муборак бўлсин, она Ер!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ «БОЗОРСАВДО»

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

**Ҳамюртларимизни яшариш, дўстлик байрами – Наврўз билан табриклайди. Наврўзнинг қадами барча хонадонларга қутлуғ келсин. Байрам ҳаммамизнинг орзу-умидларимизни рўёбга чиқарсин. Мустақил Ўзбекистонимизнинг иқтисодиёти янада гуллаб-яшнайверсин. Ҳар кунингиз байрам бўлсин, азизлар! Бошлаган эзгу ишларимизни давом эттираверайлик!**



# «НАМАНГАНДОНМАҲСУЛОТ»
## АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

*Жамоамиз ўз фидойи меҳнати билан халқимиз ҳурматига сазовор бўлиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жамоамиз аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги хизматларини давом эттирмоқда. Зеро, баҳор серёғин келса, ҳосил мўл бўлади. Ҳосил мўл бўлса, халқ тўқ, юрт фаровон бўлади.*

*Наврўзи олам муборак бўлсин. Деҳқонларимиз хирмонига барака, оилаларимизга тинчлик-тотувлик, қут-барака тилаймиз.*





# «НАВОИЙДОНМАҲСУЛОТ»
## АКЦИЯДОРЛИК УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Барчани кириб келаётган баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади. Мамлакатимизда баҳор нафаси кезмоқда. Баҳор барчамизга бахт-саодат келтирсин.

Биз доимо элимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш, ғалла ҳосили мўл-кўл бўлиши учун барча имкониятларимизни ишга солиб ишлайверамиз. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ўз ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз.

БАРЧАНГИЗГА БАЙРАМ ЯНА БИР БОР ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!



# «ҚОРАКЎЛДОНМАҲСУЛОТ»
## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Янгиланиш ва уйғониш байрами — Наврўзи олам билан барчани табриклайди. Далаларда кеча-кундуз тинмай меҳнат қилаётган миришкор халқимизга куч-қудрат, хирмонларига барака тилаймиз.**

**Дастурхонингиз тўкин-сочин, нонингиз доимо бутун бўлсин.**




